

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 89 (4295).

2

МАЙ

ЯКШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

1 МАЙ БАЙРАМИ СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ
БУЮК БИРЛИГИ, ДЎСТЛИГИ ВА ҚАР-
ДОШЛИГИНИНГ, ДОҲИЙ ЛЕНИН ВАСИ-
ЯТЛАРИГА, КОММУНИЗМ ИШИГА ЧЕК-
СИЗ СОДИҚЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИ-
ШИГА АЙЛАНДИ.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА БИРИНЧИ
МАЙ МИТИНГИ ВА НАМОЙИШИ

Совет дийрига Биринчи Май байра-
нинг ранг-баранг гулларидан
либос кийиб келди. Кремль девор-
лари олдида беҳисоб қизил бай-
роқлар товланиб турибди. Москва
меҳнаткашлари анъанага кўра, 1
Май кунини коммунистик қурилиш-
даги янги муваффақиятлар тўғри-
сидаги рапортлари билан Қизил
майдонга қараб йўл олишди.

Бу йилги Биринчи Май байра-
ми алоҳида ҳусусиятга эгадир.
КПССнинг XXIV съезди яқинда
ўз ишнини тамомлади. Партиянинг
коммунизм моддий-техника базаси-
ни вужудга келтириб, Ватанимиз-
нинг қудратини мустақамлашга
қаратилган изчил йўли съездининг
тарихий қарорларида ўзининг ёр-
қин ифодасини топди. Партия меҳ-
наткашлар турмушининг моддий
ва маданий даражасини яна анча
юксалтириш вазифасини ўз ишти-
родий сибасатининг энг муҳим йў-
налиши қилиб белгилади.

Совет кишилари улуг Ватани-
миз учун ифтихор туйғуларини бил-
лан иттифоқдош ва автоном рес-
публикалар ва меҳнаткашлар де-
путатлари маҳаллий советлар сай-
ловини қутиб олмоқдалар.

Ҳозирги вақтда ҳар бир совет
кишиси йили беш йилликнинг
улугвор планларини амалга оши-
риш учун яқинлик билан ишлай-
ди. Пойтахт қороналарининг
энг яхши кишилари, КПСС XXIV
съезди шарафига ўтказилган со-
циалистик мусобақа ғолиблари
мамлакатимизнинг энг асосий май-
донига келишди. Колоналар
Маркс, Энгельс, Ленин портретла-
рини бағдан кўтариб олганлар.
Транспарантларга бағланган «Ленин
партиясига шон-шарафлар!» «Пар-
тиянинг сибасатини маъқулла-
ймиз!» «Ленин йўлидан олга!»
«КПСС XXIV съездининг қарор-
ларини амалга оширамиз!» деган
оташин сўзлар Ленин васиятлари-
га садоқатини, партия билан халқ-
нинг монолит бирлигини ифода
этади. Қизил байроқлар фониди
КПСС Марказий Комитети Сийаси
Бюроси аъзоларининг портретлари
кўзга ташланади.

Ҳурматли меҳмонлар учун ак-
ретилган минбарлар одамлар бил-
лан лик тўла. Бу ерда меҳнат қаҳ-
рамонлари, пойтахт қороналари,
Москва областидидаги колхоз ва сов-
хозларнинг илғорлари, фан ва ма-
даниятнинг таниқли арбоблари,
донгига кетган совет қосмонавтлари
ўқитувчилари. Бу ерда Москвадаги
дипломатик ваколатхоналарининг
бошлиқлари, чет эллардан келган
жуз кўп меҳмонлар ҳам бор эди.
Социалистик мамлакатларнинг ва-
киллари, неча ўнлаб давлатдаги 80
дан ортиқ қасаба союзу ва ишчи
ташкилотларининг вакиллари,
тинчлик учун курашаётган таниқ-
ли кишилар меҳнаткашларнинг
халқаро бирдамлик кунини нишон-
лаш учун совет пойтахтига келиш-
ди.

Қизил майдонда кучли қарса-
қлар, қудратли «Урал» садолари,
«Улуг совет халқига шон-шараф-
лар»

лар, шоншарафлар, шон-шараф-
лар!», «КПССга шон-шарафлар!»
«Совет Иттифоқи Коммунистик
партиясининг Ленинни Марказий
Комитетига шон-шарафлар!» хи-
тоблари янграйди. Москваликлар
ва меҳмонлар партия, ҳукумат
раҳбарларини қизгин табриқлайди-
лар. Л. И. Брежнев, Г. И. Воро-
нов, В. В. Гришин, А. Н. Кори-
ленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кура-
ков, К. Т. Маузов, А. Я. Целище,
Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский,
М. А. Суслов, А. Н. Шелепин,
Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев,
Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов,
К. Ф. Катусев, Б. Н. Пономарев,
М. С. Соломешев ўртоқлар май-
золейнинг марказий минбарига
чиқадилар. Улар билан бирга та-
ниқли совет ҳарбий саркардалари
ҳам чиқадилар.

Спасиб минорасининг қурайтла-
ри занг уради. Соат ўн... Ҳамма-
низи эшитингиз! Мамлакат эшит,
Москва гапирди! Бу ерда Қизил
майдонда пойтахт меҳнаткашлари
вакиллари меҳнат аҳли халқ-
аро бирдамлик кунини — Биринчи
Майга бағишланган тантанали ми-
тинг бошланади.

Ҳамма гулдўрос қарсақлар бил-
лан қутиб олган Совет Иттифоқи
Коммунистик партияси Марказий
Комитетининг Бош секретари ўр-
тоқ Л. И. Брежнев Қизил майдон-
да ҳозир бўлган кишиларга қара-
та нутқ сўзлайди.

Миллионларча совет кишилари,
жаҳоннинг кўп мамлакатларидаги
меҳнаткашлар ўртоқ Л. И. Бреж-
нев нутқини зўр эътибор билан
тинглайдилар. Совет Иттифоқининг
барча радио станциялари, Марка-
зий телевидение, «Интервидение»
системаси Қизил майдондаги ми-
тингни ҳамма ёққа эшитириди.

Майдонда қудратли «Урал» садо-
лари, қутлов хитоблари янграйди:
— Улуг Ленинга шон-шараф-
лар!

— Яшасин КПСС!
— КПССнинг Ленинни Марка-
зий Комитетига шон-шарафлар!

Байрамнинг тантанали ва ёрқин
музаффикс «Белоедир менинг
жаҳоним юрти» куйларига қўши-
либ кетади. Митинг қатнашчилари
Қизил майдондан чиқиб кетаёт-
ганларда шу қўшиқни айтадилар.
Майдонга Қизил байроқлар
кўтарган спортчилар колонналари
қирғини солади. Улар улкан «XXIV»
ракамини ҳосил қиладилар. Дав-
лат университетини биноси пештоқ-
да кўтарилган катта-катта оқ
ҳарфлар «КПССга шон-шараф-
лар!» шорини вужудга келтира-
ди. Бу — бутун тантаналарнинг
унутулмас рами бўлди. Совет
кишилари партия йилгира тўр-
тинчи съездининг тарихий қарор-
ларини амалга оширишга, янги
беш йиллик топириқларини яра-
дига олдиди бажаришга аҳд
қилганликларини ифодалайдилар.

(Давоми 2-бетда).



Москва, 1971 йил 1 Май меҳнаткашлар вакиллари Қизил майдондаги тантанали митинги. Суратда: В. И. Ленин мавзолейи трибунасида.

ТАСС — УЗТАГ фотохроникаси.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ватандошлар!
Москвалик азиз ўртоқлар ва
шонли пойтахтимизнинг меҳмонла-
ри!

Сизларни Совет Иттифоқи Ком-
мунистик партияси Марказий Ко-
митети, ССР Иттифоқи Олий Со-
вети Президиуми ва Ҳукумат ма-
нбидан — меҳнаткашларнинг халқ-
аро бирдамлик кунини, баҳор, меҳ-
нат ва тинчлик байрами — бирин-
чи Май байрами билан самимий
табриқлайман. (Қарсақлар. «Урал»
садолари.)

Биз ҳар бир совет кишининг
қалбига азиз бўлган шу майдонда
туриб партиямиз номидан ва бу-
тун халқимиз номидан чет эллар-
даги синфдош қардошларимизга,
барча мамлакатларнинг меҳнат-
кашларига оташин жанговар са-
ломларимизни йўлаймиз. (Давом-
ли гулдўрос қарсақлар, майдонда
Ура садолари янграйди.)

Ўртоқлар! Инсоният эришган
ҳамма нарсаларни меҳнат туфайли
қўлга киритди, металл эригатади
ва ғалла етиштириётган кишилар-
нинг, энг мураккаб машиналарни
ва ажойиб санъат асарларини яра-
таётган кишиларнинг, ёш авлоднинг
тарбиялаётган ва кўнот силари-
ни чуқур билиб олаётган кишилар-

нинг меҳнати туфайли қўлга ки-
ритди.

Аммо социализм меҳнат самар-
ларини меҳнаткашларнинг ўз
мулкига айлантирди, меҳнат аҳли-
ни ҳаммамиз иззат-ҳурматига са-
зovor қилди, меҳнатнинг ўзини
юксак маънавий мамунияга ман-
банга айлантирди.

Социалистик революция ғалаба
қилган мамлакатларда озоод киши-
нинг эркин меҳнати ҳақиқатан
ҳам муъжизалар яратмоқда. Жа-
ҳондаги биринчи социалистик дав-
латимизнинг тақрибис ҳам бунинг
жуз аққол исботлайди.

Совет социалистик экономика
буюк муваффақиятларга эришди.
Совет кишиларининг фаровонлиги
ва маданияти тўхтовсиз ўсмоқда.
Советлар мамлакатининг мудофаа
қудрати енгилмасдир. Буларнинг
хаммаси қаҳрамон ишчилар син-
фимиз, деҳқонларимиз, инжениерла-
рининг фидокорона меҳнати са-
марасидир.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакат
Совет Иттифоқи Коммунистик пар-
тияси XXIV съездининг қарорла-
рини амалга ошириш шiori ости-
да яшамоқда. Съезд Ленинни пар-
тияимизнинг ва бутун совет халқи-
нинг манфаатлари, режалари ва
тақдир чамбарчас боғланганлиги-
ни яна бир марта намоён қилди.

Съездин қарорлари мамлакатим-
изни янада юксалтириш, совет
кишиларининг турмушини тагин
ҳам яхшилашнинг буюк програм-
масидир. Бу программани бажари-
ш учун бутун халқнинг янада
зўр ғайрат билан меҳнат қилиши
талаб этилади. Зўр шижоат, ба-
ланг рух билан қилинадиган бун-
ёдкорлик меҳнати ватанимизнинг
қудрати ва шон-шукратини янада
оширади, ҳар бир кишининг, ҳар
бир оиланинг ҳаётини янада яхши-
янада чуқур сермазун қилади.

Съезд қарорларини амалга оши-
риш йўлида биринчи қадамлар қў-
йилди. Санъатимиз янги беш йил-
лик чинакам зарбдор иш билан
бошлаб берди. Мамлакатда қўл-
дамчи дала ишлари қизиб кетди.
Бутуниттифоқ миқёсида ўтказил-
ган коммунистик шаоабалик ажойиб
натижалар берди. Биринчи Май
аравасида ўтказилган бу шаоабали-
ликда бутун мамлакат қатнашди.
Ҳозирги вақтда москваликларнинг
ташаббуси билан беш йиллик би-
раччи йилги планни, муздатилган
илгари бажариш учун умулхалқ
социалистик мусобақаси тобора
ажиб олмақда.

Совет кишилари совет фани ва
техникасининг янги ғалабасини —
«Салют» космик орбитал станция-
си ва «Союз-10» кемасининг му-
ваффақиятли учирланганлигини зўр
шодлик ва ифтихор туйғуларини
билан қутиб олдилар. Космосни ўз-
лаштиришда янги муҳим қадам
қўйилди. Ана шу буюк муваффа-
қият совет олимлари, инженерла-
ри, техниклари ва ишчиларининг
таланти ҳамда меҳнатини, қаҳра-
мон қосмонавтларимизнинг маҳор-
рати ва фидокорлигини мужассам-
лаштирди.

Бутунги биринчи майни ҳақиқ
суратда буюк меҳнат ғалабалари
байрами, деб аташ мумкин.
Советлар мамлакатини шаҳар ва
қишлоқлари меҳнаткашларига, иш-
чилар ва колхозчиларга, фан ва
маданият арбобларига, Совет Ар-
мияси ва Ҳарбий Денгиз флотини
жангчиларига, бутун байрам ко-
лонналарида бораётган ёш меҳнат
ва жанговар вахтада турган ҳамма
кишиларга энг самимий қутловла-
римизни йўлаймиз!

Улуг халқимизнинг меҳнатига
шон-шарафлар!
Ўртоқлар! Ҳамма тинчлик иши,
халқлар озоодлик курашининг му-
ваффақиятлари, совет кишилари-
нинг меҳнатига, советлар мамла-
катининг қудрати ва раванлигига кўп
жиҳатдан боғлиқдир.
Улуг Ленин васиятларига содиқ
бўлган партияимизнинг XXIV съез-
ди тинчликсевар ташқи сибасатини
равшан ва конструктив програм-
масини белгилаб берди. Қардош
социализм мамлакатлари бу про-
граммани қизгин қўллаб-қувватла-
дилар ва бутун жаҳондаги кенг
халқ оммаси уш маъқуллади. Ана

шу программани амалга ошириш
учун кураш халқаро хавфсизлик-
ни янада мустақамлаш, халқлар
дўстлигини мустақамлашнинг
бирдан-бир тўғри йўлидир.

Ҳақиқ суратда шунинг айтиш
мумкин. Бизнинг биринчи Май
байраминиз Тинчлик байрами, им-
периализмнинг қора ниятларига
қарши, уруш ва агрессия кучлари-
га қарши курашга барча тинчлик-
севар кучларини жалбаштириш
кунидир.

Планетамиздаги халқларнинг
тинчлиги ва дўстлиги учун кураш-
ишларга шон-шарафлар бўлсин!
(Давомли гулдўрос қарсақлар,
«Урал» садолари янграйди.)

Ўртоқлар! Меҳнат аҳлининг
халқаро бирдамлиги қабил олижа-
ноб туйғулар яратган биринчи
Май уларнинг жабр-зўлим ва экс-
плуатацияга қарши, озоодлик, демо-
кратия ва социализм учун бирла-
шиқда олиб бораётган кураш
рамини бўлиб қолди.

Маркс, Энгельс ва Ленин васи-
ятларига содиқ бизнинг партиямиз
революцион кучларининг бирлиги-
ни мустақамлаш ишига яатта
ҳисса қўймоқда. Жаҳондаги анти-
империалистик ҳаракатнинг барча
отрядлари билан жанговар дўстли-
гимиз мустаҳкам ва енгилмас дўст-
ликдир. КПССнинг XXIV съезди
меҳнаткашлар интернационал қар-
дошлигининг тўққинлантурувчи
намоёниси бўлди. Барча қишларда
да съезд қарорларини табриқла-
ётган халқларнинг садоси эшитил-
ди.

Бутун биз биринчи Майни Бутун
жаҳон революционерларининг
бирлиги байрами, империализмга
қарши курашаётган барча киши-
ларнинг бирдамлиги ва жинслиги
байрами, деб айтишга ҳақимиз.

Биз бу ерда, Қизил майдонда
туриб, биринчи май муносабати
билан қардош социалистик мамла-
катларнинг халқларига оташин
саломимизни йўлаймиз. Бизнинг
мамлакатимиз ана шу қардош со-

циалистик мамлакатлар билан бир-
галликда инсониятнинг порлоқ ис-
тиқболни учун курашнинг олдинги
сафларига бормоқда.

Биз коммунистик ва ишчи пар-
тияларга, халқаро ишчилар синфи-
га, унинг қасаба союзу ҳаракатига,
капиталистик мамлакатларда мо-
нополиялар ҳукмронлигига ва ре-
акцияга қарши курашаётган барча
меҳнаткашларга қизгин саломи-
мизни йўлаймиз.

Биз шу ерда, Қизил майдонда
туриб яна — шунинг айтишми-
зи, бизнинг мамлакатимиз
инсониятнинг порлоқ ис-
тиқболни учун курашнинг олдинги
сафларига бормоқда.

Биз тантанали суратда шунинг
айтамеки, бизнинг мамлакатимиз
коммунизмнинг улуг байроғини,
халқлар озоодлиги ва бахт-саодати
байроғини бундан буён ҳам бағдан
кўтариб бораверади. (Давомли қар-
сақлар, «Урал» садолари янграйди.)

Яшасин коммунизм кураётган
улуг совет халқи! (Давомли қар-
сақлар, «Урал» садолари янграйди.)
Яшасин Ленин партияси, халқим-
изнинг жанговар авангарди — Со-
вет Иттифоқи Коммунистик пар-
тияси! (Давомли гулдўрос қарсақ-
лар, бир неча марта «Урал» садо-
лари янграйди.)

Яшасин Биринчи май! (Давом-
ли гулдўрос қарсақлар, «Урал»
садолари янграйди.)

Байрамнинг қутлуғ бўлсин,
азиз ўртоқлар!

Қизил Майдон бўйлаб қудратли
«Урал» садолари янграйди. Қиз-
гин овозига узоқ давом этади.
«КПССга шон-шарафлар!», «Шон-
шарафлар, шон-шарафлар, шон-
шарафлар!» деган сўзлар ян-
граб эшитилади. Митинг ишти-
рокчилари пролетар гимни «Интер-
национал»ни айтадилар.

БИЛДИРИШ

Тошкент область Ижрония
Комитети область Совети депу-
татларига маълум қиладики,
1971 йил 12 май эрта билан
соат 11 да область Ижрония
Комитетининг мажлислар зали-
да (Хоразм кўчаси, 51) XII
қақриқ меҳнаткашлар де-
путатлари Тошкент область Сове-
тининг X сессияси очилади.
Меҳнаткашлар депутатлари
область Совети Ижрония Комите-
ти сессия кун тартибига «Киш-

лоқларда лойиҳалаш ва қури-
лиш ишларини тубдан яхшилаш
чоралари тўғрисида»ги масала-
ни кiritиш.

Докладчи: Тошкент область
Ижрония Комитети раисининг
ўринбосари Н. И. Белоусов.
Қўшиқча докладчи: қури-
лиш бўйича доимий комиссия
раиси Н. А. Масленников.

Депутатлар 1971 йил 12
май, эрталаб соат 9 да ўша би-
нода рўйхатга олинадилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ КОСМОНАВТ УЧУВЧИ ЎРТОҚ Н. Н. РУКАВИШНИКОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз-10» космик кемасида орбитал парвозни муваффақия-
тли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик
кўрсатганлиги учун космонавт учувчи ўртоқ Николай Николаевич Рукавиш-
никовга СССР космонавт учувчиси ўртоқ Алексей Станиславович
Елисеев Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топи-
рилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил 30 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ ЎРТОҚ Н. Н. РУКАВИШНИКОВГА «СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз-10» кемасида космосга парвоз қилганлиги учун Со-
вет Иттифоқи граждани ўртоқ Николай Николаевич Рукавиш-
никовга СССР космонавт учувчиси ўртоқ Владимир Александрович
Шаталов Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил 30 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ ИККИ МАРТА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ А. С. ЕЛИСЕЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Союз-10» космик кемасида орбитал парвозни муваффақия-
тли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик
кўрсатганлиги учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамо-
ни, СССР космонавт учувчиси ўртоқ Алексей Станиславович
Елисеев Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил 30 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ ИККИ МАРТА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. А. ШАТАЛОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Союз-10» космик кемасида орбитал парвозни муваффақия-
тли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик
кўрсатганлиги учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамо-
ни, СССР космонавт учувчиси ўртоқ Владимир Александрович
Шаталов Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил 30 апрель.

институт пиллачилиик кафедрасининг до-
центи.

ТОШКЕНТДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ



Тошкентда 1 Май намойиши.

А. Абалян фотолари.

Тўртликлар ҳайкаллар қўйилса...

Шоир шеър ёзмоқда...
Унинг ҳар сатри,
Юракнинг чўғидан чиққан учқунлар,
Тошдай қаттиқ бўлган юракларни ҳам,
Мумдай эритиш шунинг учундир.
Висол-баҳор бўлса, ҳикрон-қийш эрур,
Ошиқ-машуқларнинг кўндир ташаниш.
Ишққа содиқ бўлмас унинг мулкига,
Фақат баҳор истаб йўл олган киши.
Саргайган апроқин кўтариб ердан,
Осмонга учириб ўйнади шамол.
Супирган жойингдан сеп қаярман деб,
Шамолга таъзимла бош эгар нҳол.
Ундан мен «алиф»ни ўрганган чоғим,
Қадди алиф эди, бутун дол бўлган.

Аммо шогирдлари нзм бўстонда,
Алифдай қад ёган, юз нҳол бўлган.
Бегараз кулгидан дил кўзгусида,
Қолмайди губорининг ному нишон.
Фитналик кулгидан ўғри тушгандай,
Вайрон бўлиб кетар дилининг қўрғони
Хушмадгўй айтган ширин сўзларин,
Саробининг сувига қилурман қиёс.
Қип-қизил ёлгон гап аслида ўзи,
Хушмаднинг мужмал фарзанди халос.
Икки сатр шеър ёзиб шоирман дема,
Бир тул билан ахир баҳор бўларми?
Шеърят дарёси поёнига эрур,
Бир қатра сув билан дорё туларми?

Ёшлик!
О. у дамлар бир дунё экан.
Ақл варағида қолган чизилиб.
Эсласанг, дўстлару
Уша қўшини қиз...
Ҳаммаси хотирдан ўтар тизилиб.
Мен учун уларнинг бари ҳам азиз,
Ҳар бири ёзилса бўлади дoston.
Ҳаёдек туюлар қўзларга ёшлик,
Бироқ порлаб турар хотирда ҳар он.
Ёшликни эслайман ўлириб гоҳо
Қўқда милт-милт атган юлдузга қараб.
Дўстлар, хотирага юлдуздан кўйда
Ҳайкаллар қўйилган бўлса не ажаб.

Утамурод НУРМУҲАМЕДОВ.

МАРДЛИК—МАНГУЛИК

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган матонатли қалб эгаси — Совет Ғиёфи Қўрамонли Солиҳ Умаровнинг ҳаёт йўли қаҳрамонлик саҳифаларига тўлиди.
Солиҳ ака ўз нури-дидорларининг иссиқ бағрини, қалб ҳароратидан тўйиб олмади.
Олти ёшда мунис оғаси, ўн бир ёшда отасидан айрилди.
Укаси Аюп, синглисин Мумароф билан етим қолди.

— Бизни Максим Горький номли 4-болалар уйи ўз бағрига олди... — эслайди Солиҳ ака. — Бу ерда ўсдик, улғайдик. Меҳрибон ва жонкуяр она-отамиз ўзини мураббийлар босишди.
Сўнг Ленин номли педагогика техникумини муваффақиятли тугатиб, мустиқил ҳаёт йўлини бошладик. Паркентга кўчиб ўтиб, қишлоқ мактабида ўқитувчилик қила бошладик. Шу ерда армия сафига қақирдик.

Солиҳ ака мундир уруш бошланган ҳақиқат хабарини Алшобода ҳарбий хизматда бўлган кезлари эшитди. Шу кунинг кўролдош дўстлари билан ҳарбий қисм командири номига: «Бизларни жанг майдонларига йўллаб, она-Ватанимизга, халқимизга таҳдид солаётган расиз душман билан мардонавор курашамиз» деган мазмунда ариза ёзди.

— Махсус туркман бригадаси составида Москва шаҳрига йўл олдик. Москва яқинидаги Ночинск қишлоғида жойлашиб, жангга ҳозирлик қўлдик. Мени биринчи батареяга взвод командири қилиб тайинлашди.
Ватан ҳимоясига отланган жасур ўзбек, кирғиз, туркман, қozoқ ўғонлари Ночинск қиш-

логиди уч-тўрт ой ҳарбий тайёргарлик кўриб Боброво қишлоғи мудофасига отланишди. Шунда Солиҳ ака тўнчилар взводига раҳбарлик қилди.
Жанг майдонларида мардонавор курашган соддатларга мадад бериб, пулемёт билан фашистларнинг бирик-кетини нишонга олди. Тиш-тироғи билан қўролланган душман Боброво қишлоғи ва унинг яқинида жойлашган Ельня шаҳридан қувиб чиқарилди.

— Яқинда уйимизга Минск шаҳридан меҳмонлар келишди... — гапда давом этди Солиҳ ака. — Минский овоз этишда мен билан бирга қатнашган белорусиялик қўролдош дўстларим истаги билан «Минск шаҳрининг фахрий граждани» деган фахрли номни беришди.

Ельня шаҳрини душманлардан халос этган дивизия 1942 йил декабр ойда Белорусиянинг Коваль шаҳрини овоз этишга киришди. Шу ердан тўриб, 1943 йил бошларида Минск шаҳри учун бўлган жангидан жангларга қизгин тайёргарлик қўрилди.

Шу кезлари Солиҳ Умаров дивизиянинг биринчи батареясига командирлик қиларди. Дивизия штаби бошлиғи номига кўндала маззуда ариза тушди. Унда: «Мени Ленин партияси сафига қабул қилишнингизни сўрайман. Минск шаҳри учун бўлган жангларда коммунист сифатида қатнашмоқчиман» дейилган. Ўзбек ўғлини Солиҳ Умаров штаб аъзолари, қўролдош дўстлари

олдида партия сафига ўтаркан: «Бу улур табаррук номини жанг майдонларидаги жасорат билан оқлайман» деб сўз берди.

Расиз душман Минскийни қариб ҳар бир кўчасида, кўчаларида истеҳкомлар қўриб, муштаҳам жойлашиб олганди. Улар шиддатли артиллерия билан шаҳарга бостириб кириб, ҳужумга ўтдилар. Солиҳ ака бошлиқ биринчи батареянинг навқирон йигитлари жангда намуна кўрсатишди. Минск шаҳри овоз этилди. Шаҳарни немис газандаларидан тозалашда фаол қатнашган ўзбек ўғлини Солиҳ Умаров ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга иккинчи даражали «Ватан уруши» ордени тақдим этилди.

Солиҳ ака бошлиқ биринчи батарея 1944 йил бошларида Польша территориясига кириб келди. Польшанинг қўлаб шаҳар ва қишлоқларини душмандан овоз этишда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди. Солиҳ Умаров шу йил Ленин ордени билан тақдирланди.

1945 йил, май. Берлин таслим бўлди. Шунга қарамай шаҳар чекаларидан қўлаб немис қисмлари туриб қолганди. Душман Берлиннинг тарб томониданги Шпандау шаҳрига ўз қўлида ушлаб турарди. Шпандау шаҳридан фашистларнинг қувиб чиқаришда кўндал қатори Солиҳ ака бошлиқ батарея ҳам мардлик намуналарини кўрсатди. Душман техникаси ер билан яқсон қилинди. 13 мингга яқин немис асирга тушди.

31 майда Солиҳ ака ўз батареяси билан Висла дарёси бўйи-

да навбатдаги жангга тайёргарлик қўраётганди: 1-Белорусия фронтининг Ҳарбий кенгаши аъзоси генерал-лейтенант Литвиновский биринчи батарея кўчиларини турган ерга келиб, Солиҳ акани табриклиди ва қўлабдан «Правда» газетасининг 31 май сонинг чиқариб қўратди. Солиҳ Умаровга СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 31 май Фармонида муборик Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганди.

Бу Солиҳ акани беш йил мобайнида жанг майдонларида қўратган қаҳрамонликлари учун берилган юксак унвон эди. Орадан кўп вақт ўтмай 1-Белорусия фронтининг қўмондони Жуков Солиҳ ака кўсига Ленин ордени ва Олтин Юлдуз тақиб қўйди.

Сухбатимиз охирида қолганда Солиҳ аканинг ўнги-қизилари Собитжон, Шоира, Шоиста, Собир, Шухридалар кириб келишди, қўлларига гулдаста. — Даджон... — деди Шоиста. — Сизни 50 йиллик муборак ёшнингиз билан табриқлаганимиз кирдик. Бахтимизга доимо соғ ва саломат бўлинг. Бизнинг шу кунги тотан ҳаётимиз учун курашган барча қаҳрамонлар соғ ва саломат бўлишсин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Солиҳ Умаровнинг 50 ёшлиқ табаррук кунини унинг қўролдош дўстлари, биродарлари чин кўнгилдан табриқлашмоқда.

И. ЮСУПОВ,
М. АЗЪАМОВА.



БУТУН ДУНЁДА БИРИНЧИ МАЙ ТАНТАНАСИ

ПРАГА, 1 май. (ТАСС). Чехословакия радиоси ва телевидениеси Москва Қизил майдондаги байрам митинг ва совет пайтахти меҳнаткашларининг намоийши тўғрисида бевосита репортаж бера бошлаган пайтда Прага аҳолиси энг дигина Биринчи май колонналарига тулланган эди. Чехословакия телеомашинлари ўз экранларида байрам либосидаги Москванни ва В. И. Ленин мавзолейи минбарига чиққан КПСС билан Совет Хукумати раҳбарларини қизгин табриқлаган москваликларини кўришди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Қизил майдондаги нутқини бутун Чехословакия эфир эфирини билан тингладик.

Қизил майдонда янграган «интернационал» куйи Чехословакия пайтахтида кин сазо берди: Прага оркестрлари ҳам пролетариатнинг халқаро гимнини янграб этдилар.

ВАРШАВА, 1 май. (ТАСС). Польшанинг ҳамма радиостанциялари бутун эрталабки эштиниларини Кремль курантининг жаранлаган овозлари билан бошлади. Варшава вақти билан эрталаб роса соат 8 да қизил майдоннинг нафаси эфирда эшитила бошлади. Миллионлаб поляк меҳнаткашлари Халқ Польшасининг шаҳар ва қишлоқларидаги байрам намоийшларига чиқшдан аввал Москва Қизил майдонидан берилган репортажни кўриб, тингладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И.

Брежневнинг Биринчи май митингидан нутқи Халқ Польшаси меҳнаткашларининг катта эътиборини ўнга тортди. Варшава радиоси эшиттирган шаҳарларда советлар дидарида 1971 йил Биринчи майи КПСС XXIV съезди белгиси остида, тинчликсевар ташқи сйесат программасини ва совет халқининг фаровонлигини анча ошшир планини белгилаб берган съезд белгиси остида ўтаётганлиги таъкидланмоқда.

СОФИЯ, 1 май. (ТАСС). Бутун Болгария меҳнаткашлари жаҳонда биринчи социалистик давлат пайтахти — Москва Қизил майдондаги митинг, намоийшини кўрдилар ва томоша қилдилар. В. И. Ленин мавзолейи минбарига КПСС билан Совет Хукуматининг раҳбарлари чиққанда Москвадаги биринчи май митингининг қатнашчилари чалган қарсақларга улар ҳам ўз табриқларини қўйдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи ва қардош коммунист мамлакатларининг меҳнаткашларини қизил майдондаги митингга айтган табрик сўзларини София майдонлари ва кўчаларига, Болгариянинг бошқа шаҳарларига ўрнатилган радио қарнайлари Биринчи май намоийшлари чиққан меҳнаткашларга етказиб турди. Болгар меҳнаткашлари совет халқи билан биргаликда совет пайтахтидаги митинг ва байрам намоийшининг тўқилантирувчи дақиқаларини кузатиб турди.



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Кремиковск металлургия комбинати мамлакатда қора металлургия етказиб беришда йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Завод Совет Иттифоқининг ёрдамида бунёд этилди. Суратда: домна чехи ишчилари еменадан кейин. Централфототехника-ТАСС фотоси.

Мелетай ЛЕНТАСИДАН

ПАРИЖ. Ардейна департаментининг 30 мингга яқин ишчиси ўзларининг меҳнатига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш пайида чинқиб, ағдарилаётган 1 май арафасида ўтказилган абабастовка намоийшларига қатнашдилар. Ишчиларнинг бу чиқишлари мамлакатдаги энг катта касабасоюз бирлашмалари — умулмеҳнат конфедерацияси, француз демократик меҳнат конфедерацияси ва Форс Уврийер касабасоюз ташкилотларининг қақиринига бинаман ўтказилди.

Аденна департаментидан катта иқтисодий ва социал қийинчиликлар бўлиб турибди. Кейинги йилларда бу департаментда 160 та саноат корхонаси ёпилиб қолди.

Аденна департаментидан катта иқтисодий ва социал қийинчиликлар бўлиб турибди. Кейинги йилларда бу департаментда 160 та саноат корхонаси ёпилиб қолди.

Редатор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаханаси Тошкент шаҳри.

М. А.—1745. ИНДЕКС — 64697. Р. — 01448

СПОРТ

ЧАВАНДОЗЛАР БАЙРАМИ

Бутун Тошкент ипподромида катта байрам. Моҳир чавандозларнинг кўргазмалар программаси билан чиқишлари бўлади. Бу байрамга республикамизнинг ман-ман деган барча чавандозлари билан бирга Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистондан келган меҳмонлар ҳам қатнашадилар. Бухоро, Тошкент, Наманган оғ заводларининг вакиллари ўз маҳоратларини намоийш этадилар.

Тошобаблар илалий «Қиз қуниш», «Рўмолини олиб бер», «Ағдарил», «Сутончалар жанги» каби хилма хил ўйинларини кўрадилар.

Ипподромда яқиндагина Ўзбекистон ССР Министрлар Совети саврини учун ўтказилган мусобақаларнинг қолибларини кўрамиз. Бу мусобақаларда янчиқ, ўрта ва катта олимпиа савринларига сазовор бўлган

республиканинг бир неча бор чемпиони, спорт мастери Виктор Уринов, спорт мастери Станислав Агамов, Анатолий Романов, Наташа Долгова ва бошқалар иштирок этадилар. Чавандозлар мусобақаси томошабинларга катта завқ бағишлагани билан бирга спортчиларимиз учун СССР халқлари бешинчи спартакиадаси олдидан яхши тайёргарлик бўлади.

Тошкент ипподроми бутунги байрамга катта тайёргарлик кўрди. Савдо, умулмий овқатлавиш, транспорт ташкилотлари томошабинларга кўнгалли хизмат кўрсатадилар.

Ипподромдаги томошалар эрталаб соат 11 да бошланади. Қизилқармиз мусобақаларини кўрай, байрамни кўнгалли ўтказай десаңиз ипподромга марҳамат қилинг, азиз ҳамшаҳарлар.



Тошкентдаги «Шарк» мебель фирмасида футбол, волейбол, шахмат-шахка ва бошқа спорт секциялари ишлаб турибди. Суратда: разрядли шахматчилар машғулот пайтида. Т. Каримов фотоси.

СТАРТДА — ЎЗБЕКИСТОН XV СПАРТАКИАДАСИ

1971 йил 16 май кунини Марказий «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон XV спартакиадаси финал мусобақаларининг байроғи кўтарилади. 3 мингдан ортиқ спортчи мукофотли ўринларини олиш, Ўзбекистон терма командаси составига кириб, СССР халқлари V ёғи спартакиадасида қатнашишга тайёргарлик кўриш учун спортнинг 24 тури бўйича беллашадилар.

Ўзбекистон XV спартакиадаси тўғрисида боради. Айрим олимий мусобақалар чех бригадга, бўлим, факультет, корхона ва қишлоқ ўқув юрти ва муассасаларнинг физкультура коллективлари ўртасида бўлиб ўтади. Аниқ бўлмаган маълумотларга кўра стартга жами 2 миллионга яқин киши чиқди. Шундан сўнг район, шаҳар спартакиадалари бўлиб ўтди. Ҳозир эса жойларда област спартакиадалари давом этмоқда. Шуларнинг энг яхшиларини тўғртинчи этапда — республика спартакиадасида қатнашадилар. Республика спартакиадасига спортнинг 24 тури бўйича мусобақалар кириштирилган. Республика областларига умумкоманда ҳисобида ҳамда Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри учун спортнинг 14 тури тақдирланди. Булар баскетбол, бокс, арқан кураш, кураш самбо, сув спорти, волейбол, велосипедшоссес, спорт гимнастикаси, чавандозлик спорти, енгил атлетика, қўл тўпи, оғир атлетика ва қиличбозлик.

Ўзбекистон Кўнгалли спорт жамияти марказий терма командаси ва ведомстволар спортчилари спортнинг етти тури бўйича мусобақалашдилар — классик кураш, велосипед, байдарка ва каноэда сузиш, замонавий беш кураш нишонга отини, теннис.

Спортнинг уч тури бўйича — академик сузиш, елкакчи каноэда сузиш ва сувга сакраш бўйича Ўзбекистон шахсини биринчилиги учун мусобақалар ўтказилди.

Спортнинг кўнгалли турлари бўйича умумкоманда биринчилиги ҳисобига керакли спорт разрядига эга бўлган ёки кучли саккизлар ҳисобига кирган спортчилар киритилади. Енгил атлетикада эса энг кучли ўнлар гуруҳидаги кирганлар мусобақада қатнашади.

Спортнинг кенг агитация ва пропаганда қилиш учун спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақалар Тошкентдан ташқари Бухоро, Наманган, Самарқанд, Чирчиқ, Андижон, Наманган, Фарғона, Олмалиқ, Марғилон ва Бекобод шаҳарларида ҳам ўтказилди.

Тошкентдаги спорт шинавандалари эса баскетбол, волейбол, беш кураш, елкакчи каноэда, байдарка ва каноэда сузиш, қиличбозлик, теннис, сувга сакраш ва отиш бўйича мусобақаларини томоша қилишлари мумкин.

Тошкентда биринчи бўлиб 9-май кунини баскетболчилар СКА залида ва «Ешдик» спорт саройида мусобақаларини бошлашади. Шу кунини «Меҳнат» кўнгалли спорт жамияти базасининг майдонида эса волейболчилар беллашадилар.

Ўзбекистон XV спартакиадаси республикамиз спорт ҳаётида катта воқеа бўлади.

П. КИРОВАЛОВ, спартакиаданинг бош секретари. Бутуниттифот тоифасидан судья.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
9.30 — Курсатувлар программаси.

Рус тилида: 9.35 — «Бизлар — Ангрендан» (болалар цирки томошалари). 10.20 — Болалар учун мультфильм, 10.30 — Болалар учун «Тулғунчалар» (Ўзбек тилида).

10.55 дан — Москва курсатади, ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
16.55 — Курсатувлар программаси.

Рус тилида: 17.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «ПАХТАКОР» — «ЦСКА». Танаффус вақтида «Ахборот» информатсион программаси, 18.45 — «Ахборот» информатсион программаси (Ўзбек тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ
19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «ДИНАМО» (Москва) «СПАРТАК» (Москва).

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
Ўзбек тилида: 20.45 — Телевизион минитюралар театри. 21.45 — «Эйран хандаси» (кино, курсатув), 23.00 — М. Қоринқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармонияси «ШОДЛИК» ашула ва рақс ансамблининг концерти.

24.00 дан — Москва курсатади, ИКИНЧИ ПРОГРАММА
15.15 дан — Москва курсатади, ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.00 — Курсатувлар программаси, 19.05 — Комилжон ОТАНИЕЗОВ куйлади (фильм-концерт), 19.40 — «Ер-ёр» (бадний фильм).

20.45 дан — Москва курсатади, УЧИНЧИ ПРОГРАММА
19.00 дан — Фрунзе курсатади.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ. ЛАТ АКАДЕМИЯСИ КАТТА ТЕАТРИДА
—2/У да Катта байрам концерти (кундуз соат 3 да), Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Вислава ГРИНЧЕНКО концерти (кеч 7 яримда), 4/У да Таваната, МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ. ЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/У да Амаб савдолар (кундуз соат 12 да), Катта байрам концерти (кундуз 4 да), Хотинимнинг эри (кеч 8 да), 3/У да Тошболта оғи, 5/У да Севинганлар ҳисоби.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/У да Учинчи оғу (кундуз соат 12 да), Беш кунлик кувв (кеч 7 яримда), 4/У да Биринчи бўса, 5/У да Улимларни қолдириб доғда.

Кино

Қора қонсулнинг ҳалокати (Ўзбек тилида, эрталаб соат 11, кундуз 5 да), Турк оғасининг васили (кундуз соат 1, 3, кең 7 ва 9.45 минутда) — «КУКЧА».

Дилбарим (Ўзбек тилида) — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечурун).

Агентнинг тугатилиши (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечурун).

Сехрлар (эрталаб соат 10 ярим, кундуз 5 да), Икки океан сирини (2 серия, кундуз 12, 2 серия, кең 6 ярим ва 9 да) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 НИЛЛИГИ».

Сумбул сочли гузал Барвара — (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 да), Хавфли гастролер (кеч 8, 8, 10 да) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 НИЛЛИГИ».

Малиновнада тўй — САНЪАТ САРОНИ (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 да), «ЧАНКА» (кеч соат 8.40 минутда).

Бегона кўнжат билан (жуйфа соатларда), Журнат (тоғ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 НИЛЛИГИ».

Икки табассум (кундуз соат 12, кең 6 да), Қочини (2 серия, кундуз соат 2, кең 8 да) — «МОСКВА».

Йўлдаги хоним — «СПУТНИК» (кундуз ва кечурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МОСКВА ЛУЛИЛАР КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

«БИЗ — ЛУЛИЛАРМИЗ»

Постановкачи-режиссёр ва балетмейстер — РСФСРда хизмат кўрсатган артист И. КУРИЛОВ.

ПРОГРАММАДА: айн билан кураш, акробатик уйинлар, жонглерин, масхарабозини интермедиялари, лулиларнинг халқ ашулалари ва рақслари ҳамда ҳар турли цирки томошалари.

Лулилар коллективининг бадний раҳбари РСФСР да хизмат кўрсатган маданият ходими Я. БРЕСЛЕР.

Томошалар кең соат 7 яримда бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кең 6 да;

Якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кең 6 да томошалар кўрсатилди.

Олдидан билет сотиш касаси ҳар кун эрталаб соат 11 дан ишлади.